

# الحكم تقود إلى السعادة

الجزء الخامس

**«Ҳикматлар – саодатга етаклар»**

**Бешинчи китоб**

**Тузувчи ва таржимон:**

**Анвар Аҳмад**

Тошкент:  
2015 йил

# ТАҚДИМ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳақим Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳақим Зотнинг энг ҳақим бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳақими, севикли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан руҳ пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳақим дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? «Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «ҳукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилади: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қуйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-ҳолатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Лукмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Лукмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Лукмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мактовга сазовор Зотдир»** (Лукмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Лукмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насихат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, хатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб

тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳақим деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қилади.

Бир ҳақимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳақим: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хулосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татиғулик умр бахш эта олувчи китоблар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хулосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз

интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон кўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, суҳбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуйидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقّف نفسك
- 2) كلام من القلب
- 3) خذ الحكمة
- 4) بستان الحكماء
- 5) ثقافة حول العالم

- 6) الموسوعة بوك  
 7) ثقافة وعلوم  
 8) حكمة اليوم  
 9) عجائب وغرائب حول العالم  
 10) أقوال أعجبتني  
 11) كنوز من الحكمة  
 12) ذكر الله  
 13) عذب الكلام  
 14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиладиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Муҳтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий бахт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» "الحكم – تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришларида Ўзи мададкор бўлсин.



889. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Савдода кўп қасам ичишдан ҳазир бўлинглар, чунки у (молни) ўтказди, лекин (баракани) ўчиради».



890. Бугун ўқиганларимнинг энг гўзали:  
 Ер сажда қилувчиларнинг пешонасини унутмайди.  
 Тун ибодат қилувчиларнинг оҳини унутмайди.  
 Юз тавба қилувчиларнинг кўз ёшларини унутмайди.  
 Осий бўлсак-да, Аллоҳ мўминлигимизни билади.

Умр эса жуда тез ўтмоқда. Ҳою-ҳаваслардан, тилингнинг тойилишидан эҳтиёт бўл. Ҳамма туғилиб, тезда боқий ҳаётга риҳлат қилади. Аллоҳ эса тирикдир, ўлмайди.

Бу ҳаётда ўрганган нарсам шуки, ипак кийган ҳар кас ҳам амир бўлавермас эмас экан. Пар тўшак эмас, оддий ерда ётган ҳар киши ҳам камбағал бўларвермас экан.

Қанчадан-қанча ипак ёпинганлар ҳақирдир. Қанчадан-қанча ерда ётган камбағаллар амирдир.



891. Аллоҳим, қалбимизга Қуръонни ёд қил, тилимизда тиловатни жам қил. Ундан бизга илм ва амал насиб қил.





892. Ухлаймиз, лекин бизни ким уйғотишини билмаймиз. Аҳлимиз уйғотадимми ёки савол сўрайдиган икки фаришта уйғотадимми?

Аллоҳим, хотимамизни гўзал қил!



893. «Одамларнинг ҳисоб-китоблари (қиёмат соати) яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатда, (яхши амаллардан) юз ўгирувчидирлар. Роббларидан янги эслатма келса, уни фақат ўйнаган ҳолда ҳолларида тингларлар».

(Анбиё сураси, 1-2-оятлар).



894. Ҳаётимиз биз тасодиф деб ўйлаган нарсалар билан тўлиб-тошган. Аммо аслида улар ҳаётимиз йўналишини яхшилаш учун Аллоҳ томонидан мактуб бўлиши мумкин.



895. Баъзи хотималар қаҳва каби аччиқ бўлиши мумкин, лекин улар сени уйғоқ ва ҳушёр қилади.



896. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, аёл киши эрининг ҳаққини адо этмагунича Роббининг ҳаққини адо эта олмайди».

*Ибн Можа ривоят қилган.*



897. Қалбингни ислоҳ қил!

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ жисмингизга, молингизга қарамайди. Балки қалбингизга, амалларингизга қарайди», дедилар».

*Имом Муслим ривоят қилган.*



898. Шундай кунлар келдики, ҳамма ўзини ҳаммадан ақлли деб ўйлайди. Шунинг учун ўзаро суҳбат, бир-бирини тушуниш каби қоидаларга ўрин йўқ. Аммо энг афзал ечим – жим туришдир.



899. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Инсон инсонга сажда қилиши дуруст эмас. Агар инсон инсонга сажда қилиши мумкин бўлганида, эрнинг хотини устида ҳаққи улкан бўлгани учун хотинни эрига сажда қилишга буюрар эдим».

*Насайй ривоят қилган.*



900. Олтиндан қиммат сўзлар:

– Ҳаётида муваффақият қозонган одамни кўрмадим. Агар кўрган бўлсам, ота-онасига яхшилик қилиш насиб қилган одам бўлади.

– Ғам-андухсиз одам йўқ. Лекин «Бу шунчаки дунё» деб табассум қиладиган одам топилади.

– Сиқилган пайтингизда йиғламанг, балки саждага йиқилинг.

– Энг яхши дўст дунё сенга кулиб боққанда ҳасад қилмайди, дунё сендан юз ўгирса, сени ташлаб кетмайди.

– Виқор ва ҳайбатли бўлишнинг сабаби камгаплиқдир. Жамол ва чиройнинг сабаби табассумнинг кўпидир. Ҳайбатли, виқорли бўл!

– Инсон таълим олган нарсаларнинг энг чўққиси, ҳар бир фикрни эшитиб, уни ҳурмат қилишидир. Ундан қаноатланиши шарт эмас.

– Солиҳлардан бири: «Фарзандингга Қуръонни ўргат. Қуръон унга барча нарсани ўргатади», деди.

– Ким онасига яхшилик қилишдан маҳрум бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум бўлибди!



901. Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларидан.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Халилим соллаллоҳу алайҳи васаллам менга қуйидаги яхши хислатларни васият қилдилар:

(Мол-дунё борасида) ўзингдан юқорига эмас, ўзингдан пастга қара;

Мискинларни яхши кўр, уларга яқинлаш;



Қариндошларинг юз ўгириб кетса ҳам, улар билан алоқада бўл;

Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўркма;

Аччиқ бўлса ҳам, фақат ҳақ сўзни айт.

Ва яна «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ»ни кўп айт, чунки у жаннат хазиналаридан биридир».

*Байҳақий ривоят қилган.*



902. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аёл ўз эрининг ҳаққини билганида эди, кундузги ва кечки таоми ҳозирлагач то эри еб бўлмагунича ўтирмас эди».

*Табароний ривоят қилган.*



903. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхши хотинга қарасанг кўзинг қувнайди, айтганингни қилади.

Йўқлигингда ўзини ва мулкингни муҳофаза қилади», дедилар».

*Насаий ривоят қилган.*



904. Тўрт нарса ризқ келтиради:

- Кечаси (ибодатда) қоим бўлиш;
- Саҳар чоғи истиғфorni кўпайтириш;
- Садақа беришга аҳд қилиш;
- Куннинг аввали ва охирида зикр қилиш.



905. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса тез фурсатда келади. Лекин у келганда сен қай ҳолатда бўласан? Масалан, фаришта

Закариё алайҳиссаломга Яхёнинг хушхабарини бериш учун келганда Закариё алайҳиссаломни меҳробда намоз ўқиб турган эди.

(Оли Имрон сурасининг 38-39-оятларини ўқинг).



906. Дуосининг ижобати кечиккани учун дуо қилмай қўйган одам худди уруғни сепиб, парваришлаб, ҳосилни йиғиш пайти келганда уни ташлаб кетган кишига ўхшайди. Дуо қилишда азму қарор билан сўрайлик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бирингиз (дуосининг ижобат бўлишига) шошилавермаса, дуоси ижобат бўлади», деганлар.



907. Юзта дўстим бўлмасин, юз йиллик дўстим бўлсин.





908. «Улар айтаётган гапларидан қалбинг эзилишини яхши биламиз. Роббингга У Зотнинг ҳамд қилиб тасбеҳ айт ва сажда қилувчилардан бўл» (Ҳижр сураси, 97-оят).

Қалб эзилишининг давоси – «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи».



909. Икки нарса инсонда бардавом бўлмайди: ёшлик ва қувват.

Икки нарса ҳаммага фойда беради: яхши хулқ ва бағрикенглик.

Икки нарса инсоннинг шаънини кўтаради: тавозеъ ва ҳожатмандлик.

Икки нарса балони даф қилади: садақа ва силаи раҳм.




910. Ҳайдовчига ҳам, ишчига ҳам, фаррошга ҳам табассум қил. Эҳтимол, уларнинг маоши телефонингнинг чеки ёки бир шиша атирингга етмаслиги мумкин. Ёмон муомаланг билан уларнинг ғамига ғам қўшма. Гўзал хулқинг билан юқори мартабага кўтарил. Зеро, Аллоҳнинг ҳузурида барчамиз баробармиз!



911. Аллоҳим! Гуноҳга қўл уришим Сенинг ҳаққингни паст санаш, жоҳиллик ёки ваъийдингни менсимаслик туфайли эмас, ҳавои нафсга енгилиб, заифлашганим сабаблидир.

Роббим! Сенга истиғфор айтиб, Сенга тавба қиламан!



912. Зуҳо (чошгоҳ) намозини ўқисанг, аввобинлардан (сертавбалардан) бўласан. Аввобинлардан бўлсанг, Аллоҳ гуноҳингни кечиради. Зеро, У Зот: «Албатта, У сертавбалар учун сермағфиратдир», деб марҳамат қилган (*Исро сураси, 25-оят*).



913. Нафсининг иззати масхараловчи тил ва мутакаббир табиатда эмас. Нафсининг ҳақиқий иззати қадр-қимматининг туширадиган нарсалардан узоқ бўлишинингдир.

احذر إن ضحك الشيطان منك في ست ساعات؛  
ساعة الغضب, والمفاخرة,  
والمجادلة, وحجة الزهد المفاجئة,  
والحماس وأنت تخطب في الجماهير,  
والبكاء وأنت تعظ الناس.

914. Огоҳ бўл, олти ҳолатда шайтон устингдан кулади:  
Ғазабланганингда;  
Мақтанганингда;  
Тортишганингда;  
Зоҳидликни даъво қилганингда;  
Оломонга хитоб қилаётиб ҳовлиққанингда;  
Одамларга ваъз айтаётиб, (риё билан) йиғлаганингда.



915. Одамларнинг ҳожатини раво қилишга сабабчи бўл. Шунда Аллоҳ сенинг ҳожатинг раво бўлишига ҳам сабаб келтириб қўяди.





916. Бахт-саодат икки ўринда бўлади:

1. Ато этилган нарсага қаноат қилувчи қалбда.
2. Қазои-қадарга рози бўлган нафсда.



917. Она...

Онангни бир умр елкангда кўтариб юрсанг ҳам, сени тўққиз ой кўтарганининг ҳаққини адо эта олмайсан!

Аллоҳим! Менинг онамга ҳам, жамики мусулмонларнинг оналарига ҳам жаннат насиб қил!



918. Агар Қуръон ҳам уяли телефонга ўхшаб одамларнинг кўлидан тушмаса эди, психологларнинг бозори касод бўлар эди.

Аллоҳим! Қуръонни қалбларимизнинг баҳори қил!



919. Жаннатда уйинг бўлишини хоҳлайсанми? Ўн икки рақъат равотиб суннатларни канда қилма!

Жаннатда хурмо дарахтинг бўлишини хоҳлайсанми? «Субҳаналлоҳил ъазийм ва биҳамдиҳи»ни кўп айтиб юр.

Жаннатда хазинанг бўлишини хоҳлайсанми? «Лаа ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» сўзини айт.

Жаннатда боғинг (дарахтзоринг) бўлишини хоҳлайсанми? «Субҳаналлоҳи валҳамдулиллаҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар»ни кўп айтиб юр.




920. Аллоҳим! Қалбларимизни фақат ҳалолга рози қилгин. Ҳатто муддат узайиб кетса ҳам. Ахир Сен учун ҳеч нарса маҳол эмас!



921. Агар қилган яхшилигинг учун одамлардан яхшилик қайтишини кутсанг, ғам-ташвишинг узайиб кетади. Яхшиси, «Албатта, биз сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун таомлантирамиз. Сизлардан мукофот ёки ташаккур истамаймиз» оятини эсингда тут (*Инсон сураси, 9-оят*).



922. Соя йўқ ул Кунда Аллоҳ Ўз Аршининг сояси остида соялантирадиган етти тоифа кимлар? Эътибор берсанг, улар бу сояга ҳавои нафсларига муҳолиф бўлганлари учун эришганлар. Шундай экан, ҳавои нафсингга муҳолиф бўл, орзуингга эришасан!



923. Хафалик нечун, ғам нечун? Ахир тириксан, ризқинг келиб турибди. Ҳақиқий ғам – охират ғамидир. Ҳақиқий муваффақият – жаннат аҳлидан бўлишдир. Бу дунё ўткинчи диёрдир, у бадбахтлигингга сабабчи бўлиб қолмасин!



إذا كنت تشعر بالضيق  
أغمض عيناك وتنفس  
بعمق وردد

لا إله إلا أنت سبحانك  
إني كنت من الظالمين

924. Ғамга ботсанг, кўзингни юмгин-да, чуқур нафас олиб, «Лаа илааха илла анта, субҳанака, инний кунту миназ золимийн», деб айт.



925. Интернет ва уяли телефон узоғингни яқин қилади. Лекин эҳтиёт бўл! Улар жон томирингдан яқин бўлган Зотдан узоқлаштириб қўймасин!



926. Рабийъ яқин дўстларига: «Дард, даво ва шифо нима эканини биласизми?» деди. «Йўк», дейишди. Шунда у киши: «Ҳақиқий дард – гуноҳлардир. Ҳақиқий даво – истиғфордир. Ҳақиқий шифо – (гуноҳга) қайтмаган ҳолда тавба қилмоғингдир», дедилар.




927. «Ҳаёт менга тўғри келмаяпти», дейишдан олдин ўзингга бир қара! Балки ўзинг эгри юргандирсан?



928. Қалбнинг тўридаги нарсани юзаки ва саёз сўзлар билан таржима қилишнинг мутлақо имкони йўқ.



929. Ҳаётининг ярмини яшаб бўлиб, қолган ярмини орзу қилган кишига ўхшама! Ҳаётининг қолган ярмини яшаб бўлиб, ўтган қисмининг зое бўлганига афсусланувчи бўлма!



930. Ҳаётдаги энг рост хикмат шудир: «Яхши яшамаётган бўлсанг, билиб қўйки, демак, намозни қойилмақом қилиб адо этмаяпсан».



931. Аллоҳим! Бизга ҳам, барча мусулмонларга ҳам кундузлари соим, кечалари қоим ҳолда бедор ўтказишни насиб қил, кўзни номахрамлардан, тилни ножоиз сўзлардан сақла.



932. Қадимда шундай дейишар экан:

«Ростгўйлик шундай бир воситаки, унинг соҳиби бироз қоқилиши мумкин, лекин ҳалок бўлмайди. Ёлғон шундай бир воситаки, унинг соҳиби узоқ тинч юриши мумкин, лекин (охир) нажот топмайди».





933. Намоз ўқинглар, Аллоҳ раҳм қилади.

Мен сизларга савоби улкан бўлган зуҳо (чошгоҳ) намозини эслатаман. Зуҳо – аввобинларнинг, яъни Аллоҳга тавба қилиб, У Зотга кўп қайтувчиларнинг намозидир. Бу намоз икки рақъатдан саккиз рақъатгача бўлади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уни икки рақъатдан тўрт марта ўқирдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уни ҳеч қачон – ҳазарда ҳам, сафарда ҳам тарк қилмас эдилар.

Унинг вақти қуёш чиққанидан чамаси 20 дақиқа ўтганидан сўнг бошланиб, пешин намози вақти киришидан чамаси 15 дақиқа олдин тугайди. Зуҳо намози жисмингдаги 360 аъзонинг ҳаққига садақадир.

Имом Шофеъий зуҳо намози ҳақида шундай деганлар: «Гуноҳларни тарк этишни истаган эдик, уни зуҳо намозида топдик».



934. «Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни тўшагин ва дегинки: «Роббим, улар мени кичиклигимда қандай тарбия қилган бўлсалар, уларга шундай раҳм қилгин» (Исро сураси, 24-оят).



935. Гуноҳ, гуноҳ, гуноҳ, гуноҳ, гуноҳ, гуноҳ...  
Гуноҳларингни истиғфор билан кесиб ташла.



936. Руҳиятимиз синган пайтда қалбдаги дуоларни қучоғига олиб, қучли ишонч билан руҳларимизга тинчлик улашиб, хотиржамлик томон осмон эшиклари очилур...



937. Бекорчилик – зехнда рўй берадиган ҳолатнинг энг хатарлиларидандир. Унда ўтмиш, бугунги кун ва келажак архивлари очилиб кетади.



938. Ноумид бўлма! Қулфлар кўпинча калитлар шодасидаги охирги калит билан очилади.



939. Ҳеч бир инсон ўз айбларини кўрмайди.

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ أَذْنِبْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ فُرْصٍ تَرَكْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ إِنْسَانٍ ظَلَمْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ صَالِحٍ جَفَوْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ ظَالِمٍ صَاحَبْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ بَرٍّ أَجَلْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ نَاصِحٍ أَهَنْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ مَحْمُودٍ سَمَيْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ زُورٍ نَطَقْتُ بِهِ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ حَقٍّ أَضَعْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ بَاطِلٍ اتَّبَعْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ وَقْتٍ أَهْدَرْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ ضَمِيرٍ قَتَلْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ سِرٍّ أَفْشَيْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ أَمِينٍ خَدَعْتَهُ  
أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ مِنْ كُلِّ وَعْدٍ أَخْلَفْتَهُ

940. Ҳар бир қилган гуноҳим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Ҳар бир тарк қилган фарзим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Ҳар бир инсонга қилган зулмим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.



Ҳар бир солиҳ инсонга қилган жафоларим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Золимга дўст бўлганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Кечиктирган ҳар бир яхшилигим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Насиҳатчини менсимаганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Мақталган кишини малол кўрганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Гапирган ҳар бир ёмон сўзим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Ҳақни зое қилганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Ботилга эргашганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Беҳуда ўтказган вақтим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Виждонни ҳалок қилганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Фош қилган ҳар бир сирим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Ишончли кишини алдаганим учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.

Хилоф қилган ҳар бир ваъдам учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман.



941. Аллоҳим, Сенинг номинг билан гўзал хотимани сўрайман!



942. Дунё фонийдир, унда барқарорлик йўқ.



943. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврларида ёш болалар тўпланишар, улардан бири: «Хоҳлайсизларми, Умарни йиғлатаман?» дер эди. Сўнг у зотнинг ҳузурларига бориб, «Эй Умар, Аллоҳдан кўрққин» деса, у зот йиғлаб юборардилар.



944. Икки нарса ҳаётга муносабатингни ўзгартириб юборади: беморлик ва ғариблик.



945. Биз (дўстларни) қўлдан бой бериб, йўқотганимиз йўқ. Лекин вазиятлар уларни ғалвирдан ўтказмоқда.



946. Шояд яхшилик бўлса, деб Аллоҳ бизга Каҳф сурасида Мусо ва Ҳизр қиссаси орқали мусибатлардан ғам чекмасликни ўргатди:

– Кеманинг тешиб қўйилиши уни қутқариш учун бўлган.

– Боланинг ўлдирилиши унинг ота-онаси бахтли ҳаёт кечириши учун бўлган.

– Икки етим сабабли деворнинг тиклаб қўйилиши ота-онасининг солиҳ бўлгани учун бўлган.

Аллоҳнинг ҳузуридаги ҳар бир нарса яхшиликдир.



947. Имом Шаъроний «Табақот» номли китобларида шундай деганлар:

«Танага, мол-мулкка ёки фарзандларга беморлик, зулм ёки мусибат каби бало етганда бу ҳақда фарзандга, хотинга, оғаниларга, дўстларга ёки бошқаларга шикоят қилишдан олдин

Аллоҳга шикоят қилса, У Зот мусибат тушган пайтдаёқ ўша қийинчиликни кўтаради.



948. Югурувчиларнинг кўпи судралаётган бўлади, тўхтаб турганларнинг кўпи юраётган бўлади.



949. Беш нарсa борки, улар қалб давосидир:

1. Солиҳ кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш.
2. Қуръон қироат қилиш.
3. Қоринни овқатдан холи қилиб, оч юриш.
4. Кечани ибодат билан бедор ўтказиш.
5. Тонг пайтида тазарру билан ёлвориб, ибодат қилиш.





950. Усмон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Дунё ғами қалбдаги зулматдир, охират ғами эса қалбдаги нурдир».



951. Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Дунёнинг иззати мол-дунё билан, охиратнинг иззати эса солиҳ амаллар биландир».



952. Қуръони Каримда «сақийл» («оғир») сўзи икки мартагина келган.

Биринчиси «йавман сақийлан», яъни «оғир кун» деб келган бўлиб, ундан мақсад Қиёмат кунидир.

Иккинчиси «қовлан сақийлан», яъни «оғир сўз» деб келган бўлиб, ундан мақсад Қуръони Каримдир.

Бинобарин, ким Оғир кундан нажот топишни хоҳласа, Оғир сўзни маҳкам ушласин!

ذهب الى قبر امه و قال لها :  
تعالى يا امّاه معى .. فإنّ المعلمة دائماً تضربنى .. !  
و أمام جميع التلاميذ تُكيني .. و تقول لى دائماً :  
" أمك امرأة مهملّة فبى لا تهتمّ بك .. "  
يا ابن آدم زن كلامك قبل ان يقتل غيرك !.



953. Болакай онасининг қабри олдига бориб, шундай деди: «Онажон, кела қолинг. Ўқитувчим мени ҳар куни уради, ҳамма ўқувчилар олдида мени йиғлатади, доим: «Онанг безътибор. Сенга эътибор бермайди», дейди».

Эй одам боласи! Бировнинг дилига озор беришдан олдин сўзларингни тарозига солиб кўр!




954. Агар Аллоҳнинг сенга берган неъматларини билмоқчи бўлсанг, қўлингни кўзларингнинг устига қўйгин!  
(Яъни, қўлингни икки кўзинг устига қўйгин, кўриш неъматига шукр қиласан).



955. Ҳаёт учун бирор нарса қўшмадингми, демак, ҳаёт учун ортиқчасан!





956. Инсон баъзан гуноҳлари, чақимчилиги, ғийбати туфайли, телевизор ёки компьютерда уятсиз нарса кўргани сабабли бомдод намозини вақтида ўқишдан маҳрум бўлиб қолади. Гуноҳларни тарк қил!

Билгинки, банда тоат-ибодатдан гуноҳ ва маъсияти сабабли маҳрум бўлади. Гоҳида бало гуноҳ сабабли тушади, тавба сабабли кўтарилади. Бомдод намозини тарк қилиш энг улкан балолардандир.



957. «Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар қайтарилур».

- Сув ичганда «Бисмиллаҳ» десанг, бу ҳам битта яхшилик.
- Ўнг қўлинг билан ичсанг, бу ҳам битта яхшилик.
- Ўтириб ичсанг, бу ҳам битта яхшилик.

- Уч нафасда ичсанг, бу ҳам битта яхшилик.
- Ичиб бўлгач, «Алҳамдулиллаҳ» десанг, бу ҳам битта яхшилик.

Мана, бешта яхшилик бўлди. Уни ўнга кўпайтирсак, элликта яхшилик бўлади.



958. Бир шайх минбарда хутба қилаётиб, «Биз ҳар куни Аллоҳга боғланиб туришимиз лозим», деган эди, ўша ердагилардан бири: «Аллоҳга қайси рақам орқали боғланамиз?» деди. Шунда шайх: «Ўзиб ол: 2, 4, 4, 3, 4, 8, 3», деди. Одамлар шайхнинг жавобидан гангиб қолишди, шайх бу одамни мазах қилдимикин, деб ҳам ўйлашди. Лекин сўраган одам шайхнинг мақсадини англаб, йиғлай бошлади. Билсак, у айтган рақамлар кундалик намозларнинг рақъатлари экан.

- 2 – бомдод намозининг 2 рақъат фарзи.
- 4 – пешин намозининг 4 рақъат фарзи.
- 4 - аср намозининг 4 рақъат фарзи.
- 3 – шом намозининг 3 рақъат фарзи.
- 4 - хуфтон намозининг 4 рақъат фарзи.
- 8 – таҳажжуд намозининг 8 рақъати.
- 3 – витр намозининг 3 рақъати.

Аллоҳ таоло барчамизга Ўзи билан узилмас алоқа насиб қилсин!



959. Хотининг билан сал енгилроқ муомала қил!

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёл қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи юқорисидир. Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб қўясан. Фойдаланаман десанг, эгри ҳолича фойдаланасан», деганлар».

*Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*



960. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бир замон келурки, одамлар молни ҳалолдан ёки ҳаромдан топганига парво қилмай қўяди».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*



961. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Энг ақлли одам – одамларга узр айтувчи одамдир», деганлар.

أوقات يزيد فيها رجاء إجابة الدعاء	
دعاء ليلة القدر	الدعاء دبر الصلوات المكتوبة
الدعاء في جوف الليل	الساعة التي في يوم الجمعة
أثناء السجود في الصلاة	الدعاء عند النداء وعند البأس
الدعاء عند نزول المطر	دعاء المظلوم
الدعاء حال المرض	دعوة الوالد لولده.
دعوة المسافر.	دعوة الغازي في سبيل الله.
دعوة الحاج.	دعوة المعتمر.
الدعاء بين الأذان والإقامة	الدعاء يوم عرفة
عند صياح الديك	الدعاء عند تغميض الميت
دعاء الأخ لأخيه بظهر الغيب	دعاء الصائم حين يفطر

962. Дуо кўпроқ ижобат бўладиган вақтлар:

- Қадр кечасидаги дуо.
- Туннинг ярмида қилинган дуо.
- Намозда, саждада қилинган дуо.
- Ёмғир ёғаётгандаги дуо.
- Беморликдаги дуо.
- Мусофирликдаги дуо.
- Ҳожининг дуоси.
- Азон билан иқомат орасидаги дуо.
- Хўроз қичқирган пайтдаги дуо.
- Биродарининг ҳаққига ғойибдан қилинган дуо.

- Фарз намозлардан кейин қилинган дуо.
- Жума кунидаги бир фурсатда қилинган дуо.
- Азон пайтидаги дуо.
- Қийинчилик чоғида қилинган дуо.
- Мазлумнинг дуоси.
- Отанинг фарзандга қилган дуоси.
- Аллоҳ йўлида юрганнинг дуоси.
- Умрачининг дуоси.
- Арафа кунидаги дуо.
- Маййитнинг кўзи юмилган пайтдаги дуо.
- Рўзадор оғзини очаётган пайтдаги дуо.



963. Ҳақиқий ногиронлик жасаднинг эмас, ақлнинг ногиронлигидир.





964. Қиёмат куни банда тоғдек гуноҳлари билан келади, бироқ тили Аллоҳни ва У Зотга тааллуқли нарсани кўп зикр қилганидан улар йўқ бўлиб кетган бўлади.



965. Роббим! Кўзимни фақат дунёни кўрадиган даражада ўтмас, қалбимни фақат дунёни ўйлайдиган даражада тор қилиб қўйма! Кўзимни ўткир, фикримни кенг қилгин, жаннатни кўзим билан кўриб, унинг учун амал қилайин!



966. Ҳақиқий дўстинг ким?

Аллоҳ таоло айтади: «Ўша кунда такводорлардан бошқа дўстлар бир-бирларига душмандир».

*(Қиёмат куни ҳамма ўз оқибатини кўради. У дунёда бир-бирини турли ишларга ундаган дўстларнинг дўзахга тушиб, жазо тортишлари аниқ бўлиб қолади. Бу дунёда яқин дўст бўлган бўлса ҳам, бундай дўстлар бир-бирига душманга*

айланади. Ана шунда ҳамма ёмон билан дўст бўлганига афсусланади).



967. Бир дўстимга ҳазиллашиб, «22 соат ухлабман» десам, «Овқат емасдан-а?» деди. Худди шу гапни бошқа бир дўстимга ҳам айтган эдим, «Намоз ўқимасдан-а?» деди.

Ана сизга дунёқарашлардаги тафовут!




968. Роббим! Ёмғир билан ерни ювганингдек, афвинг билан гуноҳларимизни ювиб юбор!



969. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличлари қандай номланган? Зулфиқор, Баттор, ал-Ҳийф, Русуб, ал-Михзам.




970. Энг заиф одам сир яшира олмайдиган одамдир.  
 Энг кучли одам ғазабини юта олган одамдир.  
 Энг сабрли одам камбағаллигини яшира олган одамдир.  
 Энг бой одам насиб қилганига қаноат қилган одамдир.



971. Донишманд бошқаларнинг фазилатига эришишни ўйлайди, жоҳил эса бошқаларнинг камчилигини қоралашни ўйлайди.



972. Ким камбағалларнинг турмушини масхара қилса, билиб қўйсин, энг покиза инсон бўлмиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камбағал бўлганлар!



973. Ҳаётимдаги бирдан-бир хато шуки, мен бу хатодан ҳеч нарса ўрганмадим!



974. Истиғфор ризқ келтирганидек, гуноҳ ва маъсият ризқни кетказади.



975. Кексалик қандай ажойиб! Ҳар нарсада паришонхотирлик ҳамла қилади. Фақат Аллоҳнинг зикрида эмас!






976. «Насибам оз» дейтадиган кишига мусулмон бўлиб яратилганлик насибаси кифоя қилмайдими?



977. Аллоҳ қалбингни тоат-ибодатга очиб, гуноҳ-маъсиятдан сиқиладиган қилиб қўйса, билиб қўйки, сени Аллоҳга боғлаган бир ип бор. Дунё тўла нарса ваъда қилишса ҳам уни ҳаргиз қўлингдан чиқариб юборма!



978. Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ айтади: «Эски гуноҳлар учун янги ҳасанотлар билан ёрдам сўранглар. Ҳеч нарса эски гуноҳларни янги ҳасанотларчалик йўқ қила олмайди».



979. Керагидан ортиқ ишониб юборсанг, алдовга дучор бўласан. Лекин ҳеч кимга ишонмасанг ҳам умринг азобда ўтади...



980. Ҳаёт ҳикмати:

Дўст сўзидан эмас, амалидан билинади.

Яқин дўстингни тилидан эмас, кўзидан биласан.

قال رجل لصاحبه و هو يتأمل في القصور  
أين نحن حين قُسمت هذه الأموال؟  
فأخذه صاحبه إلى المستشفى وقال له  
أين نحن حين قُسمت هذه الأمراض؟  
فلنتذوق معنى الحمد لله

981. Бир киши ўртоғига қасрлар ҳақида гапириб туриб, «Мол-дунё тақсимланганида биз қаерда бўлган эканмиз-а?» деди.

Ўртоғи уни шифохонага олиб бориб: «Мана бу касалликлар тақсимланган пайтда биз қаерда бўлган эканмиз-а?» деди.

«Алҳамдулиллаҳ» дейишдан завқ олайлик!



982. Дунё улкан бир мактаб. Унда ҳар қанча аълочи бўлмагин, (охирида) вафот тўғрисида шаҳодатнома оласан, холос!



983. Қуръондаги тўрт оят хусусида фикр юритиб, хафа бўлишга ўрин йўқлигини, маҳрумликдан шикоят йўқлигини билдим:

«Аллоҳ одамларга нимаики раҳматни очса, уни тутиб қолгувчи бўлмас» (Фотир сураси, 2-оят).


«Нимани ушлаб қолса, У Зотдан кейин уни қўйиб юборувчи бўлмас» (Фотир сураси, 2-оят).

«Ер юзидаги жонзот борки, ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У Зот уларнинг қароргоҳларини ҳам, сақланиб турадиган жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобда бордир» (Ҳуд сураси, 6-оят).

«Албатта, қийинчилик билан бирга енгиллик ҳам бордир» (Шарҳ сураси, 5-оят).



984. Аллоҳни қанча кўп эслаб, зикр қилсанг, демак, У Зотни шунчалик кўп севар экансан.



985. Мазлум кишининг куч-қувватини паст санама! У дуоси билан сени энг заиф одамга айлантриб қўйиши мумкин.





986. Дунё менга тикандан хуш бўй таратишни, саҳродан гул ундиришини, лоқайд кишидан эътибор кутмасликни ўргатди.




987. Сабр нима? Ҳаётнинг қулоғига «Модомики Аллоҳ мен билан бирга экан, ҳаргиз эгилмайман», деб пичирлаш сабрдир.

في المدارس  
نتعلم الدروس ثم نمر على الامتحانات  
أما في الحياة  
فنمر بالامتحانات ثم نتعلم الدروس

و. ابراهيم الفقي

988. Мактабда ўқиганимизда аввал сабоқ, кейин имтиҳон бўлар эди. Аммо ҳаётда аввал имтиҳон, сўнгра сабоқ бўляпти.



989. Бошимизда тўрт хил суюқлик бўлади:

1. Оғиздаги чучук сув (сўлак). У таом ва ичимликни осон ҳазм қилдиради.

2. Кўздаги шўр сув. Кўзни қуриб қолишдан асраб туради.

3. Бурундаги ёпишқоқ сув. Чанг ва ғубор киришидан асраб туради.

4. Қулоқдаги аччиқ сув. Ҳашаротлар киришидан асраб туради.

«(Эй инсонлар!) Ва ўзларингизда ҳам. (Вужудингиздаги ҳар бир аъзода, ҳар бир ҳужайрангизнинг нақадар нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида, уларнинг Аллоҳ буюрган вазифани қулоқ қоқмай адо этиб боришида Аллоҳнинг кудратига далолат қиладиган бениҳоя оят-аломатлар бор). Кўрмаяпсизларми?» (Зарийат сураси, 21-оят).



990. Бир инсонга қанча муҳаббатинг бўлса, унга қанчалик боғлиқ бўлсанг, шунча захмат етади.

Аллоҳга қанча муҳаббатинг бўлса, У Зотга қанчалик боғлиқ бўлсанг, шунча шодлик келади.



991. Кўз ёшлари томчилар эмас, сўзлардир. Лекин уларни ўқиб, тушуна оладиган кишини топиш мушкул.

اللهم اجعل قبورنا روضة من رياض الجنة  
ولا تجعلها حفرة من حفر النار



992. Аллоҳим! Қабрларимизни жаннат боғларидан бири қилгин, дўзах чуқурларидан бири қилиб қўймагин!

المترج : ليتني اعزب  
الاعزب : متى اتزوج وارتاح !  
الغني : ليتني احس براحة البال  
الفقير : ليتني غني واعيش حياتي  
العجوز : ليت الشباب يعود يوما  
الشباب : ليتني طفل بلا مسؤوليات كل همى لعبتي  
الطفل : متى اكبر !  
الحي : ليتني اموت كي ارتاح من هذه الدنيا  
الميت : يتمني ان يعود كي يعوض ما فاته  
عذرا ايها البشر : متى ستشعرون بالقناعة !!؟

993. Уйланганлар: «Қанийди уйланмаган бўлсам», дейди.  
Бўйдоқлар: «Қачон уйланиб, тинчир эканман», дейди.  
Бойлар: «Қанийди тинч, хотиржам бўлсам», дейди.  
Камбағаллар: «Қанийди бой-бадавлат яшасам», дейди.  
Кексалар: «Қанийди ёшлик бир кунгинага қайтиб келса»,  
дейди.

Ёшлар: «Қанийди ёш бола бўлиб қолсам-да, ғамим фақат ўйнаш бўлса», дейди.

Болалар: «Қачон улғаяр эканман», дейди.

Тириклар: «Қани эди ўлиб, бу дунёнинг ғам-ташвишларидан қутулсам», дейди.



Ўлганлар: «Қанийди яна ҳаётга қайтиб, қўлдан бой берган нарсамни тўлдирсам», дейди.

Кечирасиз-у, биродарлар, қачон қаноат қиламиз?



994. Кўз ёшини артиб йиғлаган одам Аллохдан кўрққан бўлавермайди. Аллохдан ҳақиқий кўрққан одам қурби ета туриб, кўнгли тусаган ҳаромни тарк қила олган кишидир.

«Роббининг ҳузурда туришдан кўрққанлар учун икки жаннат бор» (Ар-Роҳман сураси, 46-оят).





995. Аллоҳ сизу бизга дўзахнинг «Эй мўмин, ўтавер, сенинг нуриг менинг оловимни ўчириб қўйди», дейишини насиб қилсин!

Аллоҳ сизу бизга жаннатнинг «Эй мўмин, кела қол, мен сени кўришга муштоқман», дейишини насиб қилсин!



996. Икки йўл бор:

«Мени эсланглар, шунда сизларни эслайман» (Бақара сураси, 152-оят).

«Аллоҳни унутдилар, бас, У Зот ҳам уларни унутди» (Тавба сураси, 67-оят).



997. Бугуннинг ҳикмати:

Одамлар билан ўтирсанг, қалбинг ва нафсинг учун воиз бўл, уларнинг атрофингга тўпланганига кеккайма. Улар сенинг ташингни кўришади, холос. Аллоҳ эса ичингни ҳам кўриб туради.




998. Аллоҳим! Нафсимга қарши курашда менга қувват, заифлигимга қарши кураш учун шижоат, қазои-қадарни хусни қабул қилиш учун кучли ишонч, ақлим роҳатланиши учун розилик мақоми, қалбим хотиржам бўлиши учун фаҳму фаросат ато қил!



999. Азиз йигит-қизлар!  
Мақбараларга «Фақат кексалар учун» деб ёзиб қўйилмаган. Аллоҳга тақво қилинглар!

«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир» (*Ар-Роҳман сураси, 26-оят*).



1000. «Ва тоғларни қозик (қилиб қўймадикми?)» (*Набаъ сураси, 7-оят*)



1001. Намоз Аллоҳ берган неъматдир, ундан ўзингни маҳрум қилма! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўзимнинг қувончи намоз бўлди», деганлар.



1002. Намознинг қадри нақадар улуғ!

Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга гапирганида «Мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо эт», деган.

Ийсо алайҳиссаломни бешиқда гапиртирганида: «Намозни адо этмоқни менга тавсия қилди», деган.



1003. Тунда бедор бўлиб, қоим бўлганинг – Аллоҳ сени Ўзи билан мулоқот қилиб, сўзлашишга лойиқ кўрганидир. Бу қадар шарафдан ҳам улуғ нимани хоҳлайсан?



1004. Баъзи жиноятлар учун қонунда жазо йўқ, лекин вақт бу қилмишга яраша оғир жазо беради.



1005. Истиғфор – нафс боғларига мусаффолик уруғини экувчи ширин сув қатраларидир.

Роббим! Ўзингга истиғфор айтиб, Ўзингга тавба қиламан!



1006. Хулқимиз бузилган сари ризқимиз ҳам торайиб бормоқда!





1007. Заифлашиб қолсам, менга қувват бағишлайдиган бирдан-бир нарса – Аллоҳнинг «Ва сабрлиларга башорат бер» деган сўзидир (*Бақара сураси, 155-оят*).



1008. Қадимда шундай дейишарди:  
 Жисмнинг роҳати кам ейишда.  
 Нафснинг роҳати одамлар билан кам аралашишда.  
 Қалбнинг роҳати эътиборнинг озида.  
 Тилнинг роҳати кам дейишда.



1009. Балиғ ваъз-насиҳат!

Ҳаёт ўлимдан сўради: «Нима учун одамлар мени яхши кўриб, сени ёмон кўришади?»

Ўлим деди: «Чунки сен гўзал ёлғонсан, мен эса аччиқ ҳақиқатман».



1010. Намоз ўқишмайди, Қуръон ўқишмайди, Аллоҳ буюрганидек ибодат қилишмайди, лекин Аллоҳ раҳм қилади деб яхши гумонга боришади...

Ҳасан Басрий бундайлар ҳақида: «Бекорларни айтишибди. Агар Аллоҳга нисбатан яхши гумонда бўлишганида, амални қойиллатиб қўйган бўлишарди», деганлар.



1011. Роббим! Қалбимдан Ўзинг яхши кўрмайдиган ҳамма нарсани суғуриб ташла!



1012. Мўмин банда Аллоҳ таолодан ҳожатини қатъият билан сўраб туриб олса, Аллоҳ уни албатта рўёбга чиқаради.



1013. Диндор одам шахватини йўқотиб юбормайди.  
Сахий одам мол-дунёни ёмон кўрмайди.  
Аълочи ҳамма дарсларни яхши кўравермайди.  
Лекин улар ҳавойи нафсларига қарши курашиб шу  
мақомга эришадилар.



1014. Воқеълик билан тўқнаш келмаслик учун нафсингга  
ёқадиган нарсалардан узоқлашиб, қалбингни ҳаётга тайёрлаб  
бор.



قال أحد الحكماء : لا يوجد على الأرض  
أقوى من ذاكرة المظلوم، ولا أضعف من  
ذاكرة الظالم

1015. Донишмандлардан бири деди: «Дунёда мазлумнинг хотирасидан кучли, золимнинг хотирасидан кучсиз нарса йўқдир».



1016. Ўлимингдан кейин савоби бориб турадиган жорий садақанг бўлмаса, гуноҳи бориб турадиган ишларни қилмасликка ҳаракат қилиб қол!

يارب اجعل القرآن لنا في الدنيا رفيقا،  
وفي القبر مؤنسا، وعلى الصراط نورا،  
ومن النار سترا وحجابا، ويوم القيامة  
شفيعا وإلى الجنة رفيقا



1017. Роббим! Қуръонни бизга дунёда дўст, қабрда ҳамроҳ, сирот кўпригида нур, дўзахдан тўсиқ ва парда, қиёмат кунда шафоатчи ва жаннатда ҳамроҳ қилгин!



1018. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Одам боласи ўлса, амаллари узилади. Фақат уч нарсдан: жорий садақасидан, манфаат келтирадиган илмидан ёки ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзандидан узилмайди», дедилар».

*Имом Муслим ривоят қилган.*

*Изоҳ: «Жорий садақа» дейилганда мусулмонларга доимий равишда фойдаси тегиб турадиган хайрли ишлар кўзда тутилади. Мисол учун, кўпчилик фойдаланиши учун қурилган кўприк, қудуқ ёки ариқ қазиб сув келтириши, доимий манфаат бериб турадиган бошқа кўплаб нарсалар шулар жумласидандир.*



1019. Ҳақиқий муваффақият — кетма-кет муваффақиятсизликларга учраганда ғайрат-шижоатни йўқотмасликдир.



1020. Аллоҳим! Қалбимни покла, қулфи дилимни оч, мени бахтли қил, намозимни ва барча тоат-ибодатларимни қабул қил!



1021. Ғамга ботганинда Қуръон ўқисанг, оятлар қалбинг худди бинт каби ўраб, оғриқ бераётган дардларингни сўриб олади. Гўёки қалбингни сийлаб, ноумид бўлмаслик кераклигини, Роббинг сен билан бирга эканини, умидсизликка ҳожат йўқ эканини айтади.

Қуръон нақадар гўзал!



1022. Ислом нима?

– Мулойим сўзлаш:

«Овозингни пасайтир» (*Луқмон сураси, 19-оят*);

– Тўғри юриш:

«Ер юзида кибр-ҳаво ила юрма» (*Луқмон сураси, 18-оят*);

– Кўзни тийиш:

«Баъзиларни баҳраманд қилган нарсаларга (ҳавасла) назар солма!» (*Ҳижр сураси, 88-оят*)

– Қулоқни тийиш:

«Жосулик қилманглар» (*Ҳужурот сураси, 12-оят*)

– Тўғри ейиш:

«Енглар, ичинлар, лекин исроф қилманглар» (*Аъроф сураси, 31-оят*).

– Тилни тийиш:

«Одамларга яхши гаплар айтинг» (*Бақара сураси, 83-оят*).

Ислом ҳаётингни ислоҳ қилади. У бахтингнинг кафилидир!!!



1023. Аллоҳ Ўз Набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни васф қилганда у зотнинг ҳасабу насабларини, мол-дунёлари ёки шакл-шамойилларини васф қилмади, балки «Ва албатта, сен улкан хулқдасан» деди (*Қалам сураси, 4-оят*).

Қадр-қимматинг ахлоқингдадир!!!



1024. Гоҳида бизни бахтли қилган баъзи нарсалар кимларнингдир наздида ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас.



1025. Ният билан орзунинг фарқи нима?  
Ният жиддийлар учун, орзу эса ожизлар учундир.





1026. Бир нарса синса, унинг тарақлаган овозини ҳамма эшитади. Лекин қалбинг сингандаги нолаю афғонларинг, оҳ-зорларингни фақат ўзинг ҳис қиласан, холос.



1027. Ақлинг худди боғ кабидир. Унга орзу ва некбинлик (оптимизм) гулини ёки ноумидлик тиканини экиш ўзингнинг кўлингда...



1028. «Нафсинг тоат-ибодатга дангасалик қилаётган бўлса, Аллоҳ ҳам тоат-ибодатингни ёқтирмай қолишидан эҳтиёт бўл», деган жумлани ўқиб, тинчим йўқолди...



1029. Тўрт нарсани тўрт нарса билан ювиб туринглар:
- Юзингизни кўз ёши билан.
  - Тилингизни зикр билан.
  - Қалбингизни тақво билан.
  - Гуноҳларингизни тавба билан.



1030. Сенинг вазифанг ҳаммани бахтли қилиш эмас. Сенинг вазифанг ҳеч кимга озор бермаслик!



1031. Баъзилар сендан ҳикмат ўрганиш учун кундузи қадамингни пойлайди. Баъзилар эса тойилишингни кутиб, қоронғида қадамингни пойлайди. Бири сени яхши кўргани учун, бири сенга ҳасад қилгани учун.



1032. Имом Шофeъий айтдилар: «Одамларнинг сўзидан омонда қоламан деган одам мажнун экан. Ахир одамлар Аллоҳни учта илоҳдан бири дейишди, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни сеҳргар, мажнун дейишди. Аллоҳ ва Унинг Расулини шундай дейишган бўлса, қолганлар ҳақида нималар дейишмайди!



1033. Муваффақиятга бўм-бўш чўнтак эмас, бўм-бўш ақл ва бўм-бўш қалб тўсқинлик қилади...



هناك أوقات نشعر فيها أنها النهاية ،  
ثم نكتشف أنها البداية ،  
وهناك أبوابا نشعر أنها مغلقة ثم  
نكتشف أنها المدخل الحقيقي  
ابراهيم الفقي

1034. Шундай вақтлар борки, уларни интиҳо деб ўйлаймиз, лекин ибтидо бўлиб чиқади.

Шундай эшиклар борки, уларни ёпиқ деб ўйлаймиз, лекин кириш жойи бўлиб чиқади.

عندما نطلب شيئاً من شخص ننزل رؤوسنا  
و عندما نطلب شيئاً من الله نرفع رؤوسنا  
عندما نخاف من شخص نهرب منه  
وعندما نخاف من الله نقرب منه  
ما أكرمك ربي

1035. Бировдан бир нарса сўрасак, бошимизни эгиб сўраймиз. Лекин Аллоҳдан бир нарса сўрасак, бошимизни юқорига кўтариб сўраймиз.

Бировдан кўрқсак, ундан қочамиз. Аллоҳдан кўрқсак, У Зотга яқинлашамиз.

Караминг нақадар кенг, Роббим!





1036. Дунёнинг ишлари машаққат туғдирса, асло маҳзун бўлма! Зеро, ойнинг атрофи қоронғилашган сари унинг нури, чиройи зиёдалашиб боради.



1037. Бир киши Умар ибн Абдулазизни ҳақорат қилиб, сўкди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: «Қиёмат бўлмаганида, мен ҳам сенга жавоб қайтарар эдим», дедилар.



1038. Қалбдаги хавотирни Аллоҳга унсу улфат бўлишгина бартараф қилади.

Қалбдаги маҳзунликни Аллоҳни таниш шодлигигина бартараф қилади.

Қалбдаги ночорликни Аллоҳнинг Ўзига талпинишгина бартараф қилади. Ваҳоланки, дунё ва ундаги ҳамма нарсалар ато этилса ҳам, бу ночорлик бартараф бўлмайди.



1039. Чиройли юзлар дунё тупроғида йўқ бўлиб кетади, лекин чиройли амаллар жаннатда энг гўзал сиймони чизиб бериб, абадий қолади.



1040. Имом Молик ҳузурда ўтирган имом Шофеъийдаги ҳолни кўриб, шундай дедилар: «Аллоҳ қалбингга нур ато қилибди, уни гуноҳ-маъсият зулмати билан ўчириб қўймагин».




1041. Тоат-ибодатга дангасалик гуноҳу маъсиятнинг бошидир.

Аллоҳим! Ожизлик ва дангасаликдан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман!



1042. Улардан афзал бўлсанг, ҳасад қилишади. Улардан паст бўлсанг, такаббурлик қилишади. Одамлар ана шунақа...



1043. Ҳамма нарса сенга қарши бўлса ҳам, унутма: қуш ҳам кўтарилаётганда шамолга қарши учеди.





1044. Аллоҳни яхши кўрсанг, У Зотни кўп зикр қиласан. Ахир яхши кўрган нарсангни кўп эслайсан-да...



1045. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан қилгани учун Аллоҳга ҳамд бўлсин. Мана шунинг ўзи энг улуғ неъмат...




1046. Эй ғамга ботган инсон, ғам-ташвиш абадий эмас! Бу дунёнинг машаққатларини табассум билан қарши ол. Ахир тун ҳар қанча узун бўлмасин, ундан сўнг барибир тонг отади.



Насибам оз демагин, балки «Роббимнинг қазои-қадарда менга битиб, тақсим қилгани шу экан», дегин.



1047. Бир киши Ҳасан Басрийдан: «Қизимни кимга турмушга берай?» деб сўради. Ҳасан Басрий: «Аллоҳдан кўрқиб, тақво қиладиган кишига бергин, чунки у қизингни севса, икром қилади. Бордию севмаса ҳам, қизингга зулм қилмайди», деб жавоб бердилар.



1048. Ҳар доим ўзиникини тўғри деб ҳисоблайдиган одам билан яшаш жуда қийин.




1049. Аллоҳим! Агар ўлимим ҳали узоқ бўлса, солиҳ амалларни қилиб қолишимда кўмак бер. Агар ўлимим яқин бўлса, фақат Ўзингга сажда қилиб қолишга имкон бер!



1050. Инсонни ноумидлик мағлуб қилмаса, уни енгиш қийин.



1051. Муваффақиятсизлик – ҳаётнинг текис йўлига ғов бўлувчи қоядир.



1052. Бир киши хотинига: «Одамлар кўзларини сендан тийсин деб мен ҳам кўзимни (номахрам аёллардан) тийиб юраман», деди. Ана шундай хулқли эркакларга тасанно!

Дарҳақиқатда, қилмиш-қидирмиш дейдилар...

Сен Аллоҳга муносабатингни ислоҳ қилсанг, Аллоҳ бошқаларнинг сенга муносабатини ислоҳ қилиб қўяди!

Роббим! Бизни хотинларимиз учун, хотинларимизни биз учун салоҳиятли қилгин ва бизларни тоат-ибодатингда жамлагин!



1053. Киши йигитлик пайтида ўзини ўғиллари билан бахтиёр ҳис қилади. Лекин ёши улғайгач, фақатгина қизларига суяна олади.



1054. Бахтли оилавий ҳаёт соғлом ақлли, яхши инсон билан турмуш қуришингни тақозо этмайди, балки ўзингнинг яхши бўлишингни тақозо этади.





1055. Бир ҳаким зотдан: «Қандай тонг оттирдингиз?» деб сўрашди. У шундай деди: «Гуноҳларимиз кўп бўлишига қарамай, Аллоҳнинг сон-саноксиз неъматлари билан тонг оттирдик. Аммо Аллоҳ бизга бу неъматларни ато этгани учун шукр қилайликми ёки ёмонликларимизни яширганига шукр қилайликми, шуни билмаяпмиз».





1056. Қўрқинчи бўлса ҳам, бўрини макташади. Қўриқчи бўлса ҳам, итни писанд қилишмайди... Кўпчилик одамлар қўл остидагиларини назарга илишмайди, лекин ўзларини хорлайдиганларни ҳурмат қилишади.



1057. Бузғунчи фикрларга қарши таъсир қилувчи бирдан-бир курул – бунёдкор фикрлардир.



1058. Болалик чоғида уйқу азоб турларидан бири эди. Энди эса саккиз соатлик уйқу ғанимат неъмат бўлиб, унга етишиш қийин бўлиб қолди.



1059. Энг олижаноб қалб – тунда уйғониб, Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб, У Зотга қурбат ҳосил қилиб, Аллоҳнинг ваъдасидан умидвор бўлган, ваъийдларидан қўрққан қалбдир.



1060. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таолога энг маҳбуб амал оз бўлса-да, бардавом бўлганидир», дедилар.



1061. Ҳаёт қизиқ... Гоҳида хоҳлаган нарсангдан бошқа ҳамма нарсага эришасан.



1062. Мазлумнинг дуоси ўқдек кучлидир. У ўқдек учиб бориб, Роббининг изни билан золимнинг энг қимматбаҳо нарсасига бориб тегади.

Сен «Ҳасбияллоҳу, ва неъмал вакил», деб айтсанг бас.

*Маъноси: «Менга Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У нақадар яхши вакил!»*




1063. Баъзилар учун бировларга озор етказиб бўлса ҳам мақсадга эришишдан бошқа муҳим йўл йўқ.



1064. Солиҳлардан бири деди: «Одамларга ҳайронман: касалликдан қўрқиб, баъзи овқатларни ейишдан қайтаришади, лекин дўзахдан қўрқиб, баъзи гуноҳлардан қайтаришмайди», деди.



1065. Гуноҳ ва маъсият – Аллоҳга олиб борувчи йўлда ортга ташлаган қадамингдир. Ортга қайтаверсанг, У Зотга қандай етишасан?



1066. Ҳолати, миҷози ва хулқ-атвориға муносиб одам чинакам бахтлидир. Аммо миҷозини, хулқ-атворини ҳар қандай ҳолатга мослаштира оладиган одам ундан ҳам бахтлидир.

(Яъни, ҳар-хил ҳолатга мослашувчи киши бахтиёр, деб айтилмоқда)





1067. Ё ўқишга арзийдиган нарсани ёз, ё ёзишга арзийдиган бирор иш қил.



1068. Энг ёмон аҳволдаги одам ким?

- ёмон гумони туфайли ҳеч кимга ишонмайдиган одам;
- ёмон амали туфайли ҳеч ким ишонмайдиган одам.



1069. Инсон ақли жаннатни тасаввур қила олмас экан, бу жаннатнинг Роббиси ҳақида қандай тасаввур қиласан?  
Аллоҳим, дийдорингдан бенасиб қилма!



1070. Ноз-неъматга шукр керак.  
Бало-офатга сабр керак.  
Гуноҳ-маъсиятга истиғфор керак.  
Ким шукр қилса, сабрли бўлса ва истиғфор айтса, бахт-саодатга эришади.



1071. Хотиржам бўл, Аллоҳ ризқингга кафил бўлган!  
Лекин жаннатга киришингга кафил бўлмаган, ғурурланма!

Билиб қўй, нажот топувчилар оздир. Дунёнинг зеб-зийнати ўткинчидир. Жаннатдан бошқа барча неъмат фонийдир. Дўзахдан бошқа ҳар қандай бало аслида офиятдир. Фурсатни бой бермай туриб нафсингни сарҳисоб қилиб тур.



1072. Ҳаёт барча нарсада куч-қувват талаб қилади — иймондаги қувват, асабдаги қувват, бир нарсани кўтаришдаги қувват, кучли ишончдаги қувват...

Аллоҳим! Бизларга ҳақ устидаги қувват насиб қил. Эй Карим сифатли Зот, ҳақда бўлишда бизга ёрдам бер!



1073. Солиҳ зотларнинг хислати шуки, улар тонгда Аллоҳдан ишларига муваффақият сўрашар экан. Кеч кирганда эса ишларидаги нуқсонлардан кўрқиб, истиғфор айтишар экан.



1074. Ота-онангга яхшилик қилиб қол!



Ота-онанг гўдак чоғингда, ожиз пайтингда сенга ҳаққингни беришганидек, улар заифлашиб қолганда сен ҳам уларнинг ҳақларини унутма!




1075. Солиҳлардан бири бир йўлдан юрганда Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлса, ўша йўлдан Аллоҳни зикр қилган ҳолда иккинчи марта юриб ўтар ва «Мана шу ер ҳам қиёмат куни менга гувоҳлик берсин дедим», дер экан.



1076. Ғурбатнинг, яъни Ватандан йироқда яшашнинг ўзига яраша машаққати бор. Буни фақат ғурбатда яшаган киши билади, холос.





1077. Қадаминг ортга қайтса ноумид бўлма! Унутма, камон ўқи ҳам олдинга отилиш учун аввал бироз ортга тисарилади!



1078. Ким Аллоҳга муносабатини ислоҳ қилса, Аллоҳ одамларнинг унга муносабатини ислоҳ қилади.



1079. Энг юксак мавқели одам бировлар хақида кам гапирган одамдир.

Энг покиза одам одамлар хақида яхши гумонда бўлган одамдир.

Энг тақволи одам бировларнинг хизматида кўп саъй-ҳаракат қилган одамдир.



1080. Бир киши Ҳасан Басрийнинг ҳузурларига кириб, «Эй имом, ёмғир ёғмаяпти», деган эди, Ҳасан Басрий: «Истиғфор айт», дедилар.

Бошқа бир киши кириб, «Хотиним туғмаяпти», деган эди, унга ҳам «Истиғфор айт», дедилар.

Сўнгра учинчи киши кириб, камбағалман деб шикоят қилган эди бор, унга ҳам «Истиғфор айт», дедилар.

Ўтирганлардан бири: «Эй имом, бизни ҳайрон қолдирдингиз. Ким кириб, сиздан хожатини сўраса, «Истиғфор айт», деяпсиз», деди. Ҳасан Басрий дедилар:

**«Сен Аллоҳнинг «Роббингиздан мағфират сўранг, албатта, У кўплаб мағфират қилувчидир», дедим. «Шунда устингизга ёмғирни мўл-кўл қилиб юборадир. Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берадир ва сизларга боғу роғлар қилиб берур ҳамда анҳорлар қилиб берадир», деган сўзларини ўқимаганмисан?» (Нух сураси, 10-12-оятлар).**



1081. Табассум дўстларни жалб қилади. Қовоқ солавериш ажин тушишни тезлаштиради.



1082. Тоҳа сурасининг бошланишидаги Аллоҳнинг сўзи устида фикр юритсак.

Маълумки, Қуръон бахт-саодатнинг сабаби ва бахтсизликдан узоқлаштирувчидир.

**«Тоҳа. Сенга Қуръонни бахтсиз бўлишинг учун нозил қилганимиз йўқ» (Тоҳа сураси, 1-2-оятлар)**

Биламизки, тангликнинг, бахтсиз ҳаётнинг энг асосий сабаби Аллоҳнинг Китобидан ва Аллоҳнинг зикридан йироқ бўлишдадир.

**«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, ҳаёт унга тор бўлур ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз» (Тоҳа сураси, 124-оят).**



1083. Сенга қарама-қарши фикрда бўлганим сенга душманман дегани эмас.



1084. Яқин қариндошларнинг хиёнатидан эзилманг! Сизу биздан олдин Юсуф алайҳиссаломдек пайғамбарга ҳам ака-укалари хоинлик қилишган.





1085. Хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин, ҳаммага чиройли муомала қилавер! Ахир сен жаннатдаги уйни қўлга киритиш учун интилмоқдасан, ҳар бир қалбдаги уйни эмас.



1086. Олим далил ва ҳужжат билан тортишади. Жоҳил ҳақорат ва бемаъни гаплар билан тортишади.





1087. Японияда ўқитувчи талабаларга шундай дер экан: «Сенинг ўқишдаги муваффақиятинг Япониянинг муваффақиятидир. Муваффақиятсизлигинг Япониянинг муваффақиятсизлигидир».



1088. Ризқ икки хил бўлади:  
 Бири сени қидирадиган ризқ.  
 Бири сен қидирадиган ризқ.  
 Сени қидирадигани ожиз бўлсанг ҳам, сени топиб боради.  
 Сен қидирадиган ризққа эса фақат саъй-ҳаракат билан эришасан. Бу ҳам ризқингдир.

Биринчиси Аллоҳнинг фазли, иккинчиси Аллоҳнинг адолатидир.

Нақадар адолатлисан, Роббим!

*Али ибн Абу Толиб.*



1089. Мақсадларинг буюклашган сари йўл ҳам узунлашаверади.



1090. Қасос олишга қурбинг етгани ҳолда кечиримли бўлиш ахлоқнинг энг олий кўринишидир.



1091. Қалбнинг чиройи Аллоҳдан кўрқишдадир.  
Тилнинг чиройи Аллоҳнинг зикри биландир.  
Ҳолатнинг чиройи истиқоматдадир (яъни Аллоҳ ва  
Расулининг буйруқларига оғишмай амал қилишда).  
Сўзларнинг чиройи ростликдадир.



1092. Кучинг одамларга зулм қилишга ундаса, Аллоҳнинг қудрати устингдан ҳукмрон эканини эслаб қўй.



1093. Ерда икки омонлик бордир:

Биринчи омонлик – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

«Модомики уларнинг ичида экансан, Аллоҳ уларни азобламас» (Анфол сураси, 33-оят).

Иккинчи омонлик – истиғфордир.

«Модомики истиғфор айтишар экан, Аллоҳ уларни азобламас» (Анфол сураси, 33-оят).

Биринчи омонлик охиратга рихлат қилганлар. Иккинчи омонлик ҳануз бор, биз ўшани маҳкам ушлайлик.



1094. Уйимизнинг кенглиги ернинг кенглиги билан, қабримизнинг кенглиги эса яхши амаллар биландир. Шунинг



учун Аллоҳ: «Озуқа олинг. Энг яхши озуқа тақводир», деган (Бақара сураси, 197-оят).



1095. Доим табассум қил, Аллоҳнинг неъматларига шукр қил:

– Оиланг билан ўтирганигда табассум қил, чунки орамизда оилали бўлишни орзу қилаётганлар бор.

– Ишга кетаётганигда табассум қил, чунки кўпчилик ҳануз иш қидириб юрибди.

– Соғ-омон, офиятдалигингда табассум қил, чунки орамизда ҳар қанча нархга бўлса ҳам соғлиқ сотиб олишни орзу қилаётганлар бор.

– Тирик бўлганинга, ризқингни еб юрганинга табассум қил, чунки яхши ишлар қилиб қолиш учун бир зумгина ҳаётга қайтишни орзу қилиб ётган қанчадан-қанча ўликлар бор.

– Табассум қил, чунки дуо қилиб, ибодат қиладиган Роббинг бор, чунки кимлардир ҳайвонларга сиғниб юрибди.

– Табассум қил, чунки сен айни ўзингсан... Сендан бошқалар сендек бўлишни орзу қилишмоқда.


Аллоҳим! Важҳингнинг жалолига, Султонинг азаматига лойиқ ҳамд бўлсин.





1096. Кенг ризқ ва бахтли ҳаётни қўлга киритишнинг олтин тенгламаси:

Истиғфор + дуо + қабул бўлишига кучли ишонч = Аллоҳнинг изни билан кушойиш.



1097. Китоб ўқиш маърифат ҳосил қилиш билан ақлни кенгайтиради. Аммо фикр юритиш эса, мутолаа қилган нарсаларимизга эга бўлишни юзага келтиради.



1098. Аллоҳим! Қалбларимизни нифокдан, амалларимизни риёдан, тилларимизни ёлғондан, кўзларимизни ўғринча қарашдан сақла!

**«У зот кўзларнинг хиёнатини ҳам, диллар махфий тутган нарсаларни ҳам билур» (Ғофир сураси, 19-оят).**

*(Аллоҳ билдирмасдан, ўғринча кўз ташлаганимизни ҳам билади, ҳисобга олиб қўяди. У Зот ҳеч кимга билдирмай, дилда тугиб қўйган нарсаларимизни ҳам жуда яхши билади. Шундай экан, бошқа нарсаларни билишида ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Одамлар бундан огоҳ бўлсинлар)*



1099. «Ишим ўнгидан келмади, ҳаммаси чиппакка чиқди» дема, «Ҳали муваффақиятга эришмадим, ютуқ ҳали олдинда», дегин.

كيف أضحك ونصف قارة تموت من الجوع ...  
ونحن نرمي في المزبلة نصف الطعام  
الفائض من وجباتنا ..  
ومعه نرمي البقية الباقية من ضمائرنا !..

1100. Қандай қилиб қулай?

Дунёнинг ярми очликдан ўлмоқда. Биз эса қолган овқатимизни (унга қўшиб виждонимизнинг қолганини ҳам) ахлатга ташляпмиз.



1101. Америкалик мусулмон, риёзиёт олими, профессор Джеффри Ланг (Jeffrey Lang) шундай дейди:

«Мен учун Ислом шиорларининг энг гўзали, энг таъсирлиси бомдод намозидир. Ҳамма ухлаётган пайтда, қоронғида уйғонишнинг бир сири бор. Атрофни тун суқунати эгаллаган пайтда Қуръон тиловатини эшитасан, бу билан гўёки ушбу дунёдан жўнаб, фаришталар билан сафар қилиб, бомдод пайтида Аллоҳни улуғлаш учун мақтаётган бўласан!..»

*(Ажабо! Бомдод намозининг қай даражада Аллоҳга боғланиш пайти экани Исломга янги кирган бошқа миллат кишиларида ўзгача таассурот қолдириши қуйидаги мисолда ҳам намоён бўлади.*

*Асли малилик, ҳозирда Испаниянинг «Севилья» жамоаси гуруҳида ҳужумчи бўлиб ўйнаётган футболчи Фредерик Кануте «Бомдод намози Аллоҳга бўлган муҳаббат мезони» шиори остида мусулмонларни бомдод намозини бардавом ўқишига чақириқ билан чиқди. Ушбу тарғибот ўша ердаги мусулмон аҳоли орасида катта олқишларга сабаб бўлди.*

*Кануте «Шуруқ ал-Жазоирий» вебсайтига берган суҳбатида: «Агар инсон кимнидир ҳақиқий севиб қолса, у билан кўришишига муштоқ бўлади, ҳамма вақт у ҳақда фикрлайди. Ҳар гал учрашиши фурсати яқинлашса, то у билан учрашмагунича уйқуси келмайди. Дангасалик билан бомдодни ўтказиб юборадиганларни Аллоҳни севади, дея оламизми? Улар роастдан ҳам Аллоҳни улуғлаб, У билан мулоқот қилишни хоҳлашармикан?*

*Келинг, бир ўйлаб кўрайлик. Бир миллиардер бир ишчиси билан шартнома тузиб, «Ҳар куни эрталаб соат 5:00 да уйготсанг, кунига минг доллардан тўлайман» деса, ўша ишчи уни уйготгани учун ҳар куни минг доллар ишлаб олади. Лекин бир кунгина узрсиз уйгота олмаса, миллиардер шартномадаги маблағни беришдан бош тортади ва аввал берган пулларини ҳам тортиб олади!*

*Аллоҳим! Бомдод намозидан ҳамда бошқа фарз, вожиб, суннат ва нафл намозларидан оладиган руҳий озуқаларимизни зиёда қилгин!*



1102. Аллоҳим! Гуноҳларим кўпайган бўлса, уларни кечир. Айбларим кўриниб қолса, уларни яшир. Қалбимдаги қайғу оғирлашиб кетса, уни арит. Нафс Сенинг йўлинг томон қадам ташлаган бўлса, уни ҳидоят қил!




1103. Энг шафқатсиз узоқлашиш Роббингдан узоқлашишдир. Ваҳоланки, У Зот: «Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз», деган (Қоф сураси, 16-оят).





1104. Аллоҳим, бизга равшан фатҳ бергин, бизни тўғри йўлга бошлагин, изатли нусрат ато қил, бизга неъматларингни мукаммал қилиб бер, қалбларимизга сакинат бер, Фазлинг ва Раҳматингни ёғдир, нафсларимизни шаҳватдан, қалбимизнинг тошбағирлигидан, иродамиз заифлигидан устун қил. Бизни ўзимизга ва Ўзингдан бошқага ташлаб қўйма!




1105. Одамларга муҳтожлардек тавозели, бойлардек қўли очик, раҳбардек ҳимоячи, шифокор каби ҳамдард бўлгин.

Одамларга қонхўр бўри, хийлакор тулки, эътиборсиз қолишини кутадиган ўғри каби яшамагин.



1106. Туш билан бошланиб, ҳақиқат билан ниҳоя топган Юсуф сурасини ҳар гал эсга олганимда тушларимни тартибга солдим. Натижада Аллоҳ ҳақидаги яхши гумоним ортиб бораверди.



1107. Менга ёлғон гапирганинг учун хафа эмасман, балки энди сенга ишонмай қолганимга хафаман.



1108. Чиройли гапира олмайдиган одамга ачинаман. Аммо чиройли сукут қила олмаган одамга ундан ҳам кўпроқ ачинаман.



1109. Гуноҳ-маъсият қилганингда қалбингда хижиллик сезсанг, билгинки, ҳали қалбингда нур бор экан. Агар ўша нур бўлмаганида, бу хижилликни сезмаган бўлар эдинг.



1110. Ким ўз мақсади йўлида сидқидилдан ҳаракат қилса, унга ҳамма нарса кўмакчи бўлади.



1111. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Ким бир мажлисда ўтириб, бефойда сўзларни кўп айтиб юборса, туришидан олдин: «Субҳанакаллоҳумма, Роббана ва бихамдика, ашҳаду аллаа илааҳа илла анта астағфирука ва атубу илайка» деса, ўша мажлисдаги гуноҳлари кечирилади».

*Термизий ривоят қилган.*

*Дуонинг маъноси: «Аллоҳим, ҳамдинг ила Сени поклаб ёд этаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтиб, тавба қиламан».*

